

Яшнобод туманида замонавий турар жой мажмуаси қурилмоқда



Президент Шавкат Мирзиёев Тошкентнинг Яшнобод туманида барпо этилаётган уй-жойларни бориб кўрди.

«Ассалом, соҳил» деб номланган 23 гектарлик бу мажмуада 22 та 9-16 қаватли уй қурилмоқда. Уларда 3236 хонадон бўлади.

Конструкциялар 9 баллдан юқори амплитудадаги сейсмик чидамликка эга. Деворлар 3 қопламали бўлиб, хонадонлар қишда илиқ, ёзда салқин бўлишини таъминлайди. Ҳар бир хонадон модуль типдаги алоҳида иситиш қозони билан жиҳозланади.

Уйлар кўчиб келиш учун тайёр ҳолатда топширилади. Харидорлар талаби ва имкониятига қараб, уларда комфорт, бизнес ва эконоом классдаги шароитлар яратилади.

Мажмуа ҳудудида болалар боғчаси ва мактаб, спорт ва ўйин майдончалари, дўконлар, кафелар, савдо маркази барпо қилинади.

Давлатимиз раҳбари мажмуанинг шоурумида бўлди. Уйларга сифатли хизмат кўрсатиш, аҳолининг дам олиши, болалар тарбияси учун шароитларни кенгайтириш бўйича тавсиялар берди.

Шавкат Мирзиёев хориж тажрибаси асосида қурилган енгил конструкцияли коттежларни ҳам кўздан кечирди. Бу уйлар арзонлиги, ўн кунда битказилиши билан ажралиб туради, буюртма асосида бир неча хил шаклда қуриб берилади. Бундай коттежлар, айниқса, тоғли ва чўл ҳудудлари учун жуда мос келади.









Манба